

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТА’ЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент молия институти

**«Бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси**

**Бакалаврият йўналишларида
ўқитиладиган фанлардан ишчи ўқув
дастурлари тўплами**

Тошкент — 2006

Бакалавриат йўналишларида ўқитиладиган фанлардан ишчи ўқув дастурлари тўплами

Ушбу дастурлар тўпламига институтда тайёрланадиган бакалавриат йўналишларида ўқитиладиган фанларнинг ишчи ўқув дастурлари киритилган. Мазкур дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 199-сонли «Олий таълимнинг бакалавриат босқичини янги таҳрирдаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан ишлаб чиқилган.

Тошкент Молия институти

**«Бухгалтерия ҳисоби назарияси»
фанидан ишчи ўқув дастури**

**Олий таълимнинг 340000-«Бизнес ва бошқарув» ҳамда 140000
«Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани» билим ва таълим
соҳалари:**

5140900-«Касб таълими»

(бакалавриат таълим йўналишлари бўйича)

5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

бакалавриат таълим йўналиши учун

**«Бухгалтерия ҳисоби назарияси»
фанидан ишчи ўқув дастури**

Ушбу ишчи ўқув дастури 340000-“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат йўналиши учун “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанидан мукамал билим олишини таъминлайди. Ўқув режасига асосан , дастурда белгиланган мавзулар 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат йўналиши учун 2 курсда ўтилади. Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 199-сонли «Олий таълимнинг бакалавриат босқичини янги таҳрирдаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланишга тавси этилади.
(кафедра профессор-ўқитувчиларининг 29 август 2005 йил 1-сонли кафедра баённомаси)

**«Бухгалтерия ҳисоби »
кафедраси мудири Б.К. Хамдамов**

Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган.
(мазкур кенгашнинг 2005 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган)

Ректор А.В. Ваҳобов

Тузувчилар: и.ф.н., доц. Хамдамов Б.К.
и.ф.н., доц. Қўзиёв И.Н.
и.ф.н., кат. ўқит. Ризаев Н.Қ.
кат. ўқит. Содиков М.С.
Таризчилар: и.ф.д., проф. Ибрагимов А.К.
и.ф.д., проф. Жўраев Н.Ю.

Тошкент Молия Институтини,

**1. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси»
фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот
турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсимооти**

№	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар			
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1	«Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанининг предмети ва методи	6	2	2	2
2	Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни	8	4	2	2
2.1.	Бухгалтерия баланси ҳақида тушунча, тузилиши ва унинг мазмуни ҳамда аҳамияти.	4	2	2	2
2.2	Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик.	2	2	-	-
2.3	Ҳисоб сиёсатида балансни ёритиб бериш тартиби. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлари. Баланс моддалари, Балансни ўқиш тартиби тўғрисида чуқур билимларга эга бўладилар.	2	2	-	-
3	Счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув	14	6	4	4
3.1	Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши. Счётларни иқтисодий мазмуни бўйича туркумланиши, Кетма-кет (хронологик) ва тизимли (системали) ёзувлар. Баланс ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги.	6	2	2	2
3.2	Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.	2	2		
3.3	Иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши.	2	2		
4	Баҳолаш ва калькуляция	8	4	2	2
4.1	Қиймат кўрсаткичининг моҳияти. Бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланган қиймат, баланс қиймат.	6	2	2	2
4.2	Баҳолаш бу-пулда ўлчаш услуби эканлиги. Баҳолашнинг асосий тамойиллари.	2	2		
4.3	Калькуляциянинг мақсади ва вазифалари. Калькуляция турлари: Смета, режали, норматив, ҳисобот.	2	2		
5	Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари	10	6	2	2
6	Хужжатлаштириш ва инвентаризация	11	4	2	5
6.1	Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида хужжатларининг роли ва аҳамияти.	6	2	2	2
6.2	Бухгалтерия хужжатларининг турлари, уларни туркумлаш, хужжатларнинг реквизитлари. Хўжалик муомалаларини даслабки ва йиғма хужжатлаштириш тартиби.	4	2		2
6.3	Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти	3	2		1

	ва турлари. Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши.				
7	Бухгалтерия ҳисобининг шакллари ва регистрлари	10	4	2	4
7.1	Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер, мемориал-ордер, автоматлаштирилган шакли (1:С бухгалтерия)	6	2	2	2
7.2	Ҳисоб регистрлари ва уларни бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти.	4	2		2
8	Ҳисобот	10	4	2	4
9	Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш	4	2	-	2
	Жами:	81	36	18	27

2. Маъруза машғулоти мавзулари (36 соат)

1-мавзу. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанининг предмети ва методи (2 соат).

Ушбу мавзу орқали “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанининг предмети, хўжалик ҳисоби тўғрисида умумий тушунча ва ҳисобнинг турлари, ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлар, бухгалтерия ҳисобининг предмети ва унинг муҳим объектлари *Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари*, ҳисоботнинг назорат қилиш функциялари ва иқтисодий баҳолашда ўзаро боғлиқлиги. *Бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари*, бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва унинг элементлари тўғрисидаги билимлар талабаларга етказилади.

Адабиётлар:

(1, 2, 6)

2-мавзу. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни. (4 соат)

Мазкур мавзу асосида талабалар қуйидагилар:

- Бухгалтерия баланси ҳақида тушунча, тузилиши ва унинг мазмуни ҳамда аҳамияти.
- Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Республикамиз корхоналарида тузилаётган баланслар билан хорижий давлатларда тузилаётган баланслар ўртасидаги умумий боғлиқлик.
- *Ҳисоб сиёсатида балансни ёритиб бериш тартиби*. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлари. Баланс моддалари, Балансни ўқиш тартиби тўғрисида чуқур билимларга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 5, 6)

3-мавзу. Счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув. (6 соат)

Мазкур мавзу асосида талабалар қуйидагилар:

- Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши.
- Счётларни иқтисодий мазмуни бўйича туркумланиши, Кетма-кет (хронологик) ва тизимли (системали) ёзувлар. Баланс ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги.
- Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режаси.
- Иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши бўйича чуқур билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 4, 5, 6, 8, 9)

4-мавзу. Баҳолаш ва калькуляция (4 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар қуйидагилар:

- Қиймат кўрсаткичининг моҳияти. *Бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланган қиймат, баланс қиймат.*
- Баҳолаш бу-пулда ўлчаш услуби эканлиги. *Баҳолашнинг асосий тамойиллари.*
- Калькуляциянинг мақсади ва вазифалари. Калькуляция турлари: *Смета, режали, норматив, ҳисоботи бўйича билимга эга бўладилар.*

Адабиётлар:

(2, 5, 6, 7, 8)

5-мавзу. Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари (6 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар хўжалик жараёнларининг асосий кўрсаткичлари. *Таъминот жараёнининг ҳисоби. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби. Сотиш жараёнининг ҳисоби. Истъемол жараёнининг ҳисоби* бўйича чуқур билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 5, 6)

6-мавзу. Хужжатлаштириш ва инвентаризация (4 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар қуйидагиларни:

- Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. *Бухгалтерия ҳисобида хужжатларининг роли ва аҳамияти.*
- Бухгалтерия хужжатларининг турлари, уларни туркумлаш, хужжатларнинг реквизитлари. *Хужжатларга ёзувлар қилиш ва уларни расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар, хўжалик муомалаларини даслабки ва йиғма хужжатлаштириш тартиби.*

- Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти ва турлари. Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши. *«Инвентаризацияни ташкил этиши ва уни ўтказиши»* номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС 19-сон)га мувофиқ хўжалик субъектларида инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш тартиби бўйича билимларга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 5, 6, 8)

7-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари ва регистрлари (4 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар қуйидагилар:

- Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши.

- *Бухгалтернинг автоматлаштирилган иш жойи ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли. Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган шакли (1:С бухгалтерия).*

- Ҳисоб регистрлари ва уларни бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти бўйича чуқур билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 4, 5, 6)

8-мавзу. Ҳисобот (4 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи ҳақида тушунча, унинг аҳамияти ва моҳияти. *Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг таркиби ва турлари.* Ҳисобот шакллари тузилиш тамойиллари. Йиллик (чорак, ярим йиллик) ҳисоботларни тузиш, уларни тўлдириш ва тақдим этиш тартиби. Йиғма бухгалтерия ҳисоботи. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари (БҲМС асосида)ни назарий ва амалий жиҳатдан билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(2, 3, 4, 5, 6, 8, 9)

9-мавзу. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш (2 соат).

Мазкур мавзу асосида талабалар *Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти.* Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва функциялари. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Корхоналарда ҳисоб сиёсати. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш бўйича билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 5, 6)

Изоҳ: мустақил таълимга тавсия этилган мавзулар ёки кичик мавзулар курсив билан ажратилган.

3. Амалий машғулотлар мавзулари (18 соат)

1-мавзу. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанининг предмети ва методи. (2 соат)

Мазкур мавзу асосида талабалар хўжалик ҳисоби тўғрисида умумий тушунча ва унга қўйиладиган талаблар.* Хўжалик ҳисобининг турлари, ҳисобда қўлланиладиган ўлчов бирликлари. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари.*

Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва унинг муҳим объектлари, хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини туркумлаш.* Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва унинг элементлари бўйича корхоналардан маълумотлар олиниб семинар дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:

(1, 2, 6).

2-мавзу. Бухгалтерия баланси, унинг тузилиши ва мазмуни. (2 соат)

Балансни ўқиш тартиби.* Хўжалик муомалалари таъсирида балансда содир бўладиган ўзгаришлар. Ҳисоб сиёсатида балансни ёритиб бериш тартиби. Балансга тегишли бўлган молиявий ҳисобот элементлар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари маълумотлари асосида амалий дарс ўқазилади.

Адабиётлар:

(2, 5, 6)

3-мавзу. Счётлар тизими ва иккиёқлама ёзув. (4 соат)

Бухгалтерия ҳисобининг счётлари ва унинг тузилиши, иккиёқлама ёзув ва унинг асосланиши, счётларни иқтисодий мазмуни бўйича туркумланиши.* Кетма-кет (хронологик) ва тизимли (системали) ёзувлар. Баланс ва счётларнинг ўзаро боғлиқлиги.* Бухгалтерия ҳисобининг счётлари режасига доир хўжалик юритувчи субъектлар маълумотлари асосида дарслар олиб борилади.

Адабиётлар:

(2, 4, 5, 6, 8, 9)

4-мавзу. Баҳолаш ва калькуляция.(2 соат)

Қиймат кўрсаткичининг моҳияти. Баҳолашнинг асосий тамойиллари. Бошланғич қиймат, қолдиқ қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконтланган қиймат, баланс қиймати. Калькуляциянинг турлари*: Смета, режали, норматив, ҳисобот бўйича амалий дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:

(2, 5, 6, 7, 8)

5-мавзу. Асосий хўжалик жараёнлари ҳисобининг тамойиллари. (2 соат)

Хўжалик жараёнларининг асосий кўрсаткичлари. Таъминот жараёнининг ҳисоби.* Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби.* Сотиш жараёнининг ҳисоби.* Истъемол жараёнининг ҳисобига доир семинар дарслари олиб борилади.

Адабиётлар:
(2, 5, 6)

6-мавзу. Хужжатлаштириш ва инвентаризация. (2 соат)

Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида хужжатларининг роли ва ахамияти, бухгалтерия хужжатларининг турлари, Хужжатларга ёзувлар қилиш ва уларни расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар. Хужжатларнинг айланишини ташкил этиш.* Хужжатларни автоматлаштириш ва ташкил этиш шаклига боғлиқлиги. Инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилишига оид корхона маълумотларидан фойдаланиб амалий дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:
(2, 5, 6, 8)

7-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари. (2 соат)

Бухгалтерия ҳисобининг шакллари уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтернинг автоматлаштирилган иш жойи ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер, мемориал-ордер ва автоматлаштирилган шакли (1С бухгалтерия) бўйича ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳисоб шакллари асосида амалий дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:
(2, 4, 5, 6)

8-мавзу. Ҳисобот. (2 соат)

Бухгалтерия баланси (1-шакл)*, молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)*, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл), ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар ва маълумотлар. Йиллик (чорак, ярим йиллик) ҳисоботларни тузиш, уларни тўлдириш ва тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари (БҲМС асосида)* бўйича корхоналарда тўлдирилаётган молиявий ҳисоботларнинг намуналари асосида амалий дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:
(2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9)

9-мавзу. Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш. (2 соат)

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этиш бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида семинар дарслар ўтказилади.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 5, 6)

Изоҳ: мажбурий мавзудаги машғулотлар юлдузча (*) билан ажратилган.

4. Тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати

Талабалар қуйидаги кўргазма-намойиш материаллари ва ўқув фильмларидан фойдаланади:

1. Ҳисоб сиёсати ҳақида тушунчага эга бўлиш.
2. Ҳисоб турлари ва унда қўлланиладиган ўлчов бирликлар.
3. Бухгалтерия объектлари ва субъектлари;
4. Бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш;
5. Счётлар тизими ва иккиёклама ёзув;
6. Бухгалтерия баланснинг тузилиши;
7. Дастлабки ҳужжатларни умумлаштириш тартиби;
8. Инвентаризацияни ташкил этиш;
9. Электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш (1С бухгалтерия);
10. Бош бухгалтернинг бурчи ва вазифалари;
11. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш;
12. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»

Қонуннинг моддалари (1996 йил 30 август);

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54 сонли Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» (1999 йил 5 феврал);

14. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йилдан бошлаб бугунги кунгача жами 21 та стандарт тасдиқланган);

Талабалар амалий ёрдам тариқасида “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани бўйича қўлланиладиган турли ҳил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади:

1. Баланс ва унинг тузилиши;
2. Баҳолаш тамойиллари;
3. Калькуляция усуллари;
4. Счётлар режаси;
5. Ҳисоботларни тузиш тартиби;
6. Ҳужжатларнинг туркумланиши ўрганилади.

Талабалар “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталардан;

<http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)

<http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)

<http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)

<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

<http://www.aicpa.org/index.htm>(American Institute of Certified Public Accountants)

sismoilov.rambler.ru

www.uza.us.apb. (Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг турли соҳаларига доир кундалик янгиликлари).

www.uzperort.com (Кундалик бизнес янгиликлари).

www.referat.uz (Рефератлар тўплами)

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ва Тошкент Молия Институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавси этилади.

5. Ўзлаштиришнинг назорати.

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 81 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 36 соат маъруза, 18 соат амалий ва семинар дарслар ҳамда мустақил таълим 18 соат. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 га тенг. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади;

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаш.

Таянч тушунчаларига асосланган «ғзма иш» усулини ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида «ғзма иш» усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.

6. Адабиётлар.

1. Асосий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Адолат»1992
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонуни. 1996 йил 12 сентябр «Халқ сўзи» газетаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» 1999 йил 5 феврал.
4. Бобожонов О ва бошқ. Молиявий ҳисоб, Т., «Молия» 2002
5. Остоноқулов М. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси», Т., «Ўқитувчи», 1993 .
6. Хасанов Б., Бобобеков Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси., методик кўлланма. ТМИ. 2000.
7. Хошимов Б., Хасанов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси, кўргазмали кўлланмалар мажмуаси., ТМИ-1993 .
8. Қодирхонов С.Б ва бошқалар. Бухгалтерия назарияси бўйича масалалар тўплами., Т.Д.И.У 1996 .
9. Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолияти счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатмалар, Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2002.
10. Юлдашев С., Хошимов Б., Мухаммад Салим. Основы бухгалтерского учета, Т.Д.И.У -1997 .

2. Кўшимча адабиётлар.

1. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д, Принципы бухгалтерского учета, (под. Ред. В. Соколова), М.: «ФиС», 1994 г.
2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002 .
3. Вуд Ф. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.О. Аскери. М.: «ФиС». 1993 г.
4. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, Т.: Ўзбекистон, 1999 .
5. Козлова Е. Бухгалтерский учет, М.: «ФиС» 1994г.
6. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Мн: «Экоперспектива», 1998-238с.
- Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: М.: УРСС, 2001 -264с.
8. Сотиволдиев А., Иткин Ю, Замонавий бухгалтерия ҳисоби, Т.: ПБва АА-2002 , 1 ва 2-томлар.
9. Хасанов Б., Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанидан маъруза матнлари, ТМИ-2001 .

10. §уломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. Т.: «Мир экономики и права», 2000.-352.
11. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions,1996.
12. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
13. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.
14. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE.- Istanbul-1999
15. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comission.-1999.
16. Cost accounting (a managerial emphasis)/ USA. Mexico. Or Canada. 2001.
17. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.

**«Молиявий ҳисоб»
фанидан ишчи ўқув дастури**

**Олий таълимнинг 340000-«Бизнес ва бошқарув» ҳамда 140000
«Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани» билим ва таълим
соҳалари:**

5140900-«Касб таълими»

(бакалаврият таълим йўналишлари бўйича)

5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

бакалаврият таълим йўналиши учун

«Молиявий ҳисоб»

фанидан ишчи ўқув дастури

Ушбу ишчи ўқув дастури 340000-“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ” бакалавриат йўналиши учун “Молиявий ҳисоб” фанидан мукаммал билим олишини таъминлайди. Ўқув режасига асосан , дастурда белгиланган мавзулар 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ” бакалавриат йўналиши учун 2 ва 3 курсда ўтилади. Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 199-сонли «Олий таълимнинг бакалавриат босқичини янги таҳрирдаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби » кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланишга тавси этилади.

(кафедра профессор-ўқитувчиларининг 29 август 2005 йил 1-сонли кафедра баённомаси)

«Бухгалтерия ҳисоби»

кафедраси мудири **Б.К. Хамдамов**

Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган.

(мазкур кенгашнинг 2005 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган)

Ректор А.В. Ваҳобов

Тузувчилар: и.ф.н., доц. Хамдамов Б.К.

и.ф.н. кат. ўқит. Ризаев Н.Қ.

кат.ўқит. Содиков М.С.

Таризчилар: и.ф.н.,проф.Вохидов С.В

и.ф.н.,проф.Маматов З.Т

Тошкент Молия институти,2006

**1. «Молиявий ҳисоб»
фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот
турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсимооти**

№	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар			
			Майруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1	«Молиявий ҳисоб» фанининг предмети, тадқиқот усуллари ва унинг олдига қўйилган вазифалар	6	2	2	2
2	Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби	24	8	8	8
2.1	Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Банк муассасаларидаги счетларни юритиш ҳисоби.	6	2	2	2
2.2	Касса, ҳисоб-китоб, валюта смети, мамлакат валютаси, чет эл валютаси ҳисоби	6	2	2	2
2.3	Банкдаги махсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус ҳисоби.	6	2	2	2
2.4	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби	6	2	2	2
3	Қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби	24	8	8	8
3.1	Корхона ва хўжаликларнинг қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлари ҳамда ҳисобнинг вазифалари	6	2	2	2
3.2	Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашни ташкил қилиш. Узоқ муддатда ишлатиладиган активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Бажарилган иш ва хизматлар бўйича тўловлар ҳисоби.	6	2	2	2
3.3	Бажариладиган иш ва хизматлар бўйича бўнақлар ҳисоби. Харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган тушумлар ҳисоби	6	2	2	2
3.4	Бошқа активларни сотишдан келиб тушадиган тушумлар ҳисоби. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар	6	2	2	2
4	Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби	18	6	6	6
4.1	Маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг вазифалари.	6	2	2	2
4.2	Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш, уни	6	2	2	2

	умумлаштириш, синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил этиш.				
4.3	Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби. Ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмаларининг ҳисоби	6	2	2	2
5	Материаллар ҳисоби	24	8	8	8
5.1	Материалларинг роли, тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Материал ва хом ашё, уларни туркумларга ажратиш, баҳолаш.	6	2	2	2
5.2	Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш, материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш	6	2	2	2
5.3	Материалларни сарфлаш ҳисоби, ўртача баҳода, ФИФО, ЛИФО,, НИФО	6	2	2	2
5.4	Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш.	6	2	2	2
6	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби	18	6	6	6
6.1	Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар таркиби. Қимматли қоғозлар	6	2	2	2
6.2	Акция, облигацияларни сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари. Акцияларни номинал ва сотиб олиш баҳосида ҳисобга олиш таркиби.	6	2	2	2
6.3	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан олинган даромадлар ҳисоби.	6	2	2	2
7	Асосий воситалар ҳисоби	24	8	8	8
7.1	Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари. Асосий воситаларни туркумларга ажратиш ва баҳолаш тартиби	6	2	2	2
7.2	Асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳужжатлаштириш. Асосий воситаларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш	6	2	2	2
7.3	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.	6	2	2	2
7.4	Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби. Лизинг муомалалари ҳисобининг хусусиятлари	6	2	2	2
8	Номоддий активлар ҳисоби	18	6	6	6
8.1	Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари. Номоддий активларни	6	2	2	2

	баҳолаш.				
8.2	Номоддий активларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш. Номоддий активларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш.	6	2	2	2
8.3	Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари	6	2	2	2
9	Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш	18	6	6	6
9.1	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва уларни ҳисобга олиш. Тайёр маҳсулотларнинг омборларда сақланиш жойлари турлари бўйича ҳисобга олиш.	6	2	2	2
9.2	Тайёр маҳсулотлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳужжатларини банкка топширилган вақтдан бошлаб ҳисобга олиш.	6	2	2	2
9.3	Тайёр маҳсулотлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳужжатларини банкка топширилган вақтдан бошлаб ҳисобга олиш. Маҳсулотни четга сотишнинг шартлари.	6	2	2	2
10	Капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби	24	8	8	8
10.1	Капитал, унинг таркиби. (устав, кўшилган, резерв). Капиталнинг корхонада тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари.	6	2	2	2
10.2	Резерв фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳисоби. Келгуси давр харажатларини қоплаш резерв фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш ҳисоби.	6	2	2	2
10.3	Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби. Асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби	6	2	2	2
10.4	Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби.	6	2	2	2
11	Молиявий (бухгалтерия) ҳисобот	18	6	6	6
11.1	Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг тўлғазилиши тўғрисида ҳисоб сиёсати.	6	2	2	2
11.2	Молиявий ҳисобот вазифаси, унинг таркиби, бухгалтерия баланси. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал тўғрисидаги	6	2	2	2

	ҳисобот.				
11.3	Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторларнинг хулосасини зарурийлиги.	6	2	2	2
	Жами:	216	72	72	72

2. Маъруза машғулотлари мавзулари (72 соат)

1-мавзу. «Молиявий ҳисоб» фанининг предмети, тадқиқот усуллари ва унинг олдига қўйилган вазифалар. (2 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар *молиявий ҳисоб, унинг мазмуни. Молиявий ҳисобнинг олдига қўйилган вазифалар. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ва янада чуқурлаштиришда молиявий ҳисобнинг роли. Корхона ва хўжаликларда молиявий ҳисоб мақсади, таркиби, вазифалари. Молиявий ҳисобнинг тамойиллари хақида батафсил билим оладилар.*

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

2- мавзу. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби. (6 соат)

Мазкур мавзу асосида талабалар:

- *Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Банк муассасаларидаги счетларни юритиш ҳисоби.*

- *Пул маблағлари бўйича касса, ҳисоб-китоб, валюта смети ва банкдаги бошқа счетларни ташкил қилиш. Касса, ҳисоб-китоб, валюта смети, мамлакат валютаси, чет эл валютаси*

- *Банкдаги махсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счетлар. Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар смети. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар смети, акция, облигация, депозитлар, берилган қарз (заём)лар тўғрисида чуқур билимга эга бўладилар.*

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

3-мавзу. Қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби. (8 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- *Корхона ва хўжаликларнинг қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлари ҳамда ҳисобнинг вазифалари. Барқарор қисқа муддатли мажбуриятлар. Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлардан қарзлар. Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан қарзлар. Давлат бюджетидан қарзлар.*

- *Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишни ташкил қилиш. Товар материали ва бошқа активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Узоқ муддатда ишлатиладиган активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Бажарилган иш ва хизматлар бўйича тўловлар ҳисоби. Берилган бўнаклар бўйича ҳисоблашишлар, товар материаллар бўйича бўнаклар ҳисоби. Бошқа активлар бўйича бўнаклар ҳисоби.*

- Бажариладиган иш ва хизматлар бўйича бўнаклар ҳисоби. Харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган тушумлар ҳисоби. Тайёр маҳсулотлар бўйича, бажариладиган иш ва хизматлар бўйича тушумлар ҳисоби. –

- Бошқа активларни сотишдан келиб тушадиган тушумлар ҳисоби. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар. Олинган бўнаклар бўйича ҳисоблашишлар бўйича мукамал билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 4, 7, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

4-мавзу. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби. (8 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- Маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг вазифалари. Корхонанинг шахсий таркиби, унинг туркумланиши, меҳнатга ҳақ тўлашни шакллари ва турлари.

- *Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириши, уни умумлаштириши, синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил этиши.*

- Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби. Ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмаларининг ҳисоби, улардан фойдаланишни ҳисобга олиш. Меҳнат таътили резервлари ва тўловлари ҳисоби тўғрисида билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 4, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 18)

5-мавзу. Материаллар ҳисоби. (8 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- Материалларинг роли, тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Материал ва хом ашё, уларни туркумларга ажратиш, баҳолаш.

- Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш, материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш

- *Материалларни сарфлаш ҳисоби, ўртача баҳода, ФИФО, ЛИФО, НИФО ва бошқа усулларда баҳолаб сарфлаш ҳисоби.*

- Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш бўйича чуқур билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 8, 9, 10, 12, 14, 18)

6-мавзу. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби. (6 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар:

- Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар таркиби. Қимматли қоғозлар: акция, облигация, заем ва бошқалар. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби.

- Акция, облигацияларни сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятлари. Акцияларни номинал ва сотиб олиш баҳосида ҳисобга олиш таркиби. Акцияларни сотиб олиш харажатларини молиялаштириш. Акцияларни қайтариб сотиш ҳисоби.

- *Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан олинган даромадлар ҳисоби.* Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сотиб олишдан ва фойдаланишда молиявий натижаларни олдиндан ва кейин аниқлаш ҳисоби бўйича чуқур билим оладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 6, 7, 8, 9, 10, 12, 13)

7-мавзу. Асосий воситалар ҳисоби. (8 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари. Асосий воситаларни туркумларга ажратиш ва баҳолаш тартиби

- *Асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳужжатлаштириш.* Асосий воситаларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш

- Асосий воситаларга амортизация_ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш ва молиялаштириш тартиби.

- *Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби.* Лизинг муомалалари ҳисобининг хусусиятлари. Асосий воситаларни хўжалиқдан чиқариш ҳисоби бўйича аниқ билимга эга бўладилар

Адабиётлар:

(1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 14, 18)

8-мавзу. Номоддий активлар ҳисоби. (6 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар:

- Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари. Номоддий активларни баҳолаш. –

- Номоддий активларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш.

- *Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.* Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби бўйича чуқур билим оладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 18)

9-мавзу. Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш. (6 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва уларни ҳисобга олиш. *Тайёр маҳсулотларнинг омборларда сақланиш жойлари турлари бўйича ҳисобга олиш.* Тайёр маҳсулотларни жорий ҳисобда ва синтетик ҳисобда баҳолаш. Истеъмолчиларга берилган, жўнатилган маҳсулотларни ҳисобга олиш. Жўнатилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархини баҳолаш.

- *Тайёр маҳсулотлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар хужжатларини банкка топширилган вақтдан бошлаб ҳисобга олиш.* Маҳсулотни четга сотишнинг шартлари. Сотилган маҳсулотларнинг қийматини, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш. Муомала харажатлари ва савдо даромадларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари.

- *Тайёр маҳсулотлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар хужжатларини банкка топширилган вақтдан бошлаб ҳисобга олиш.* Маҳсулотни четга сотишнинг шартлари. Сотилган маҳсулотларнинг қийматини, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш. Муомала харажатлари ва савдо даромадларини ҳисобга олишнинг хусусиятларини ўрганадилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 11, 12, 13, 14)

10-мавзу. Капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби (8 соат)

- Капитал, унинг таркиби. (устав, қўшилган, резерв). Капиталнинг корхонада тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари. Капитални ташкил қилиш манбалари, устав капиталининг манбаи, қўшилган капиталнинг манбаи, резерв капиталининг манбаи. Капиталнинг ҳаракатини ҳисобга олиш таркиби.

- Резерв фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳисоби. Келгуси давр харажатларини қоплаш резерв фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш ҳисоби. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари, корхона харажатлари ҳисоби.

- *Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби. асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби.* Умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби. Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

11-мавзу. Молиявий (бухгалтерия) ҳисобот (6 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- *Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг тўлғазилиши тўғрисида ҳисоб сиёсати.*

- Молиявий ҳисобот вазифаси, унинг таркиби, бухгалтерия баланси. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби. Молиявий ҳисоботдан

фойдаланувчилар. Молия, банк, статистика, солиқ, харидор, буюртмачи, ҳиссадорлар ва бошқа фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш.

- *Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторларнинг хулосасини зарурийлиги* тўғрисида мукамал билим оладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 18)

Изоҳ: мустақил таълимга тавсия этилган мавзу ёки кичик мавзулар курсив билан ажратилган.

3. Амалий машғулотларнинг мавзулари (72 соат)

1-мавзу. «Молиявий ҳисоб» фанининг предмети, тадқиқот усуллари ва унинг олдида қўйилган вазифалар (2 соат)

Молиявий ҳисоб, унинг мазмуни.* Молиявий ҳисобнинг тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси корхоналарида молиявий ҳисобни ташкил қилиш асослари ва схемаси. Молиявий ҳисобни юритиш тартиби, молиявий ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

2-мавзу. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби (8 соат)

Ўзбекистон Республикасида миллий валютани қўллаш ва пул муомалалари сиёсати.

Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Банк муассасаларидаги счетларни юритиш ҳисоби.* Пул маблағлари бўйича касса, ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги бошқа счетларни ташкил қилиш. Касса, ҳисоб-китоб, валюта счёти, мамлакат валютаси, чет эл валютаси. Банкдаги махсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счетлар. Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар счёти.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

3-мавзу. Қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби (8 соат)

Барқарор қисқа муддатли мажбуриятлар. Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлардан қарзлар. Мол етказиб берувчи ва пудратчилардан қарзлар. Давлат бюджетидан қарзлар.* Нобюджет ташкилотларидан, суғурта, ижтимоий ташкилотларидан қарзлар. банк муассасаларидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни сотиб олиш ва тегишли ташкилотга тўланадиган тўловлар бўйича мажбуриятлар ҳисоби.

Харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган тушумлар ҳисоби. Тайёр маҳсулотлар бўйича, бажариладиган иш ва хизматлар бўйича тушумлар ҳисоби.

Адабиётлар:

(1, 2, 4, 7, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

4-мавзу. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби (6 соат)

Корхонанинг шахсий таркиби, унинг туркумланиши, меҳнатга ҳақ тўлашни шакллари ва турлари. Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш, уни умумлаштириш, синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил этиш.* Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби. Ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмаларининг ҳисоби, улардан фойдаланишни ҳисобга олиш. Меҳнат таътили резервлари ва тўловлари ҳисоби.

Адабиётлар:

(1, 2, 4, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 18)

5-мавзу. Материаллар ҳисоби (8 соат)

Материалларнинг роли, тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Материал ва хом ашё, уларни туркумларга ажратиш, баҳолаш. Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш, материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш. Материалларни сарфлаш ҳисоби, ўртача баҳода, ФИФО, ЛИФО, НИФО ва бошқа усулларда баҳолаб сарфлаш ҳисоби.*

Адабиётлар: (1, 2, 3, 4, 5, 8, 9, 10, 12, 14, 18)

6-мавзу. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби (6 соат)

Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби. Акцияларни номинал ва сотиб олиш баҳосида ҳисобга олиш таркиби. Акцияларни сотиб олиш харажатларини молиялаштириш. Акцияларни қайтариб сотиш ҳисоби. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан олинган даромадлар ҳисоби.* Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сотиб олишдан ва фойдаланишда молиявий натижаларни олдиндан ва кейин аниқлаш ҳисоби.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 6, 7, 8, 9, 10, 12, 13)

7-мавзу. Асосий воситалар ҳисоби (8 соат)

Асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳужжатлаштириш. Асосий воситаларнинг синтетик ҳисобини ташкил қилиш. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳисоби. Асосий воситаларга амортизация_ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш ва молиялаштириш тартиби. Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби.* Лизинг муомалалари ҳисобининг хусусиятлари. Асосий воситаларни хўжалиқдан чиқариш ҳисоби; жисмоний, маънавий эскирганда тўлиқ фойдаланиб бўлгандан кейин, ортиқча бўлганда, кам келганда.

Адабиётлар: (1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 14, 18)

8-мавзу. Номоддий активлар ҳисоби (6 соат)

Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари. Номоддий активларни баҳолаш. Номоддий активларни қабул қилишни хужжатлаштириш. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари.* Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби. Номоддий активлар муддати тугаганда, бошқа ташкилотларга сотганда ва бошқалар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 18)

9-мавзу. Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш (6 соат)

Тайёр маҳсулотларнинг омборларда сақланиш жойлари турлари бўйича ҳисобга олиш.* Истеъмолчиларга берилган, жўнатилган маҳсулотларни ҳисобга олиш.

Тайёр маҳсулотлар, топширилган ишлар ва курсатилган хизматлар хужжатларини банкка топширилган вақтдан бошлаб ҳисобга олиш.* Сотилган маҳсулотларнинг қийматини, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш.

Товарлар ва уларни ҳисобга олиш. Товарларни баҳолаш тартиби.* Товарларни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фаркни ҳисобга олиш.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 11, 12, 13, 14)

10-мавзу. Капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби (8 соат)

Капитал, унинг таркиби. (устав, қўшилган, резерв). Капиталнинг корхонада тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари. Капитални ташкил қилиш манбалари, устав капиталининг манбаи, қўшилган капиталнинг манбаи, резерв капиталининг манбаи. Капиталнинг ҳаракатини ҳисобга олиш таркиби. Резерв фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳисоби. Келгуси давр харажатларини қоплаш резерв фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш ҳисоби. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари, корхона харажатлари ҳисоби. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби. асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар ҳисоби.*

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14)

11-мавзу. Молиявий (бухгалтерия) ҳисобот (6 соат)

Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг тўлғазилиши тўғрисида ҳисоб сиёсати.* Молиявий ҳисобот вазифаси, унинг таркиби. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар. Молия, банк, статистика, солиқ, харидор, буюртмачи, ҳиссадорлар ва бошқа фойдаланувчиларни ахборот

билан таъминлаш. Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторларнинг хулосасини зарурийлиги.*

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 18)

Изоҳ: мажбурий мавзудаги машғулотлар юлдузча(*) билан ажратилган.

Курс лойиҳаси (иш)ларининг намунавий мавзуси ва уларни бажарилишига оид услубий кўрсатмалар

Курс (лойиҳа) иши мавзулари:

1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг роли.
2. Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.
3. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.
4. Бухгалтерлик ҳисобининг тамойиллари.
5. Молиявий ҳисоб, унинг роли ва вазифалари.
6. Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни.
7. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.
8. Ўзбекистон Республикасида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига ўтиш муаммолари.
9. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
10. Асосий воситалар ҳисоби.
11. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳисоби.
12. Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби.
13. Асосий воситаларни узоқ муддатли ижарага олиш ва бериш ҳисоби.
14. Асосий воситаларни хўжаликдан чиқариш ҳисоби.
15. Капитал қўйилмалар ҳисобининг хусусияти.
16. Асосий воситалар ҳисобини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш.
17. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби.
18. Лизинг муомалалари ҳисоби.
19. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби.
20. Номоддий активлар ҳисоби.
21. Материаллар ҳисоби.
23. Материалларни омборда ҳисобга олишни ташкил қилиш.
24. Материаллар ҳисобини автоматлаштириш.
25. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар бўйича материаллар ҳисобини ташкил қилиш.
26. Камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисобининг хусусиятлари.
27. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини ташкил қилиш.
28. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини автоматлаштириш.
29. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.

30. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.
31. Тўғри ва эгри харажатлар ҳисоби.
32. Пул маблағлари ҳисоби.
33. Давлат бюджети билан ҳисоблашишлар.
34. Тўғри солиқлар юзасидан ҳисоблашишлар ҳисоби.
35. Эгри солиқлар бўйича ҳисоблашишлар.
36. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар.
37. Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар.
39. Ҳиссадорлар билан ҳисоблашишлар.
40. Молиявий натижалар ҳисоби.
41. Капитал, фондлар ва резервлар ҳисоби.
42. Банклар билан кредитлар юзасидан ҳисоблашишлар.
43. Устав капитали ва унинг ўзгариши ҳисоби.
44. Ҳиссадорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.
45. Бюджетдан ташқари ташкилотлар билан ҳисоблашишлар.
46. Ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисоби.

Талабалар мутахассислик фани бўйича олган назарий билимлари ҳамда амалиётда орттирган тажрибаларига асосланиб ўзининг илмий салоҳиятини аниқлаш учун, ҳамда ўзини қизиқтирган мавзусини чуқурроқ ўрганиш мақсадида курс иши ёзади. Курс ишини ёзганда ўзини қизиқтирган юқорида келтирилган мавзулардан бирини танлаб олади. мавзунини танлаш ихтиёрийдир, курс ишини ёзиш ҳамма талаба учун мажбурийдир. Курс иши ёзилиши бўйича унинг олдида қўйилган талаблар, курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий қўлланмада батафсил ёритилиб берилган.

4. Тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намоиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати

“Молиявий ҳисоб” фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун мустақил таълим тизимида асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим олади.

“Молиявий ҳисоб” фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида молиявий ҳисоб бўйича қўлланиладиган турли ҳил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади. Унда:

1. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари;
2. Асосий воситаларни баҳолаш;
3. Материалларни ўртача таннарх, ФИФО ва ЛИФО усулларида баҳолаш тартиби;
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ҳисобга олиш;
5. Меҳнат ҳақидан даромад солиғини ҳисоблаш ва уни тўлаш тартиби;
6. Номоддий активларни дастлабки ҳужжатларда акс эттириш тартиби.
7. Инвестицияларни баҳолаш ва уларни ҳисобга олиш; Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш;
8. Устав капиталини шакллантириш;

9. Фондларни ташкил этиш;

10. Молиявий натижаларни аниқлаш;

11. Молиявий ҳисоботларни тузиш тартибларини ўрганиши мумкин.

Талабалар молиявий ҳисоб фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталардан;

<http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)

<http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)

<http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)

<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

<http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)

sismoilov.rambler.ru

www.uza.us.apb. (ЎМА турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари)

www.uzperort.com (Кундалик бизнес янгиликлари)

www.referat.uz (Рефератлар тўплами) фойдаланиши мумкин.

Шунингдек республикадаги чоп этилган газета ва журналлардан мутахассислигига тегишли материалларни олади.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодий Университети ва Тошкент Молия Институтини тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедиа иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. Ўзлаштиришнинг назорати

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 216 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 72 соат маъруза, 72 соат амалий ва семинар дарслар ҳамда мустақил таълим 72 соат. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 %, якуний баҳолашга эса 30 % миқдорда белгиланади. «Молиявий ҳисоб» фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 216 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 86.4 балл, оралиқ баҳолашга 64.8 балл ва якуний баҳолашга эса 64,8 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади;

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаш.

- Таянч тушунчаларига асосланган «ғзма иш» усулини ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида «ғзма иш» усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади.

6. Адабиётлар

1. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Т., «Халқ сўзи» газетаси, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сонли Қарори «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом. Т., «Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари» ойлик нашр 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 7 феврал 5-сон буйруғи (Йиллик ва ярим йиллик ҳисоботи тўлдириш тўғрисида). Т., «Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари» ойлик нашр 2002.
4. Бобожонов О. ва бошқ. Молиявий ҳисоб. Т., «Меҳнат», 2002.
5. Молиявий ҳисоб. КАРАНА корпорацияси, Т., 2000.
6. Ризақулов А.А. Узоқ муддатли активлар ҳисоби. Т., «Фан», 1998
7. Ризақулов А.А., Иброҳимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. I-III том. ТМИ ва ИУТ, 1994.
8. Сотиволдиев. А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (21-БХМС асосида), Б ва АА-2002 , 1-2том.
9. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2000-2002 .
10. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти счётлар режаси ва қўллаш бўйича кўрсатмалар. (21 БХМС) А ва БА. Т., 2002 йил.

2. Қўшимча адабиётлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари, 1997 .
12. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, Т.: Ўзбекистон, 1999 .
13. План счетов Бухгалтерского учета и рекомендация по его применению. Под ред. Гадаева Э.Ф., Хасанова Н.Х. Ташкент, 1996.
14. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.: О.О.О Аскери, 1996.
15. “Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти счётлар режаси”. Б ва АМА-2002 .
16. Ҷуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. Т.: «Мир экономики и права», 2000.-352.

17. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Мн: «Экоперспектива», 1998-238с.
18. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: М.: УРСС, 2001 -264с.
19. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности, ГУП ИПК «Ульяновский Дом печати» 2000 .
20. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions,1996.
21. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
22. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington-2000.
23. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE.- Istanbul-1999
24. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exchange Comission.-1999.
25. Cost accounting (a managerial emphasis)/ USA. Mexico. Or Canada. 2001.
26. Financial accounting / USA. Mexico. Or Canada. 2001.

**«Бошқарув ҳисоби»
фанидан ишчи ўқув дастури**

**Олий таълимнинг 340000-«Бизнес ва бошқарув»
билим ва таълим соҳалари:**

**5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
бакалавриат таълим йўналиши учун**

«Бошқарув ҳисоби»
фанидан ишчи ўқув дастури

Ушбу ишчи ўқув дастури 340000-“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ” бакалавриат йўналиши учун “Бошқарув ҳисоби” фанидан мукамал билим олишини таъминлайди. Ўқув режасига асосан, дастурда белгиланган мавзулар 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат йўналиши учун 3 курсда ўтилади. Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 199-сонли «Олий таълимнинг бакалавриат босқичини янги таҳрирдаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби » кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланишга тавси этилади.

(кафедра йиғилишининг 29 август 2005 йил 1-сонли кафедра баённомаси)

«Бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси мудири **Б.К. Хамдамов**

Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган.
(мазкур кенгашнинг 2004 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган)

Ректор А.В. Ваҳобов

Тузувчилар: и.ф.н., доц. Хамдамов Б.К. и.ф.н. доц. Қўзиёв И.Н.
кат.ққт. Содиков М.С.

Таризчилар: и.ф.н., проф. Воҳидов С.В
и.ф.н., доц. Маматов З.Т

Тошкент Молия институти, 2006

1.«Бошқарув ҳисоби»
фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот
турларига ажратилган соатлар ҳажмининг тақсими

№	Фан мавзуларининг номи	Жами соатлар			
			Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1	«Бошқарув ҳисоби» фанининг предмети ва методи, унинг назарий асослари	6	2	2	2
2	Харажатлар туркумланиши ва ҳисоби	18	6	6	6
2.1	Харажатлар ҳақида тушунча. Харажатлар ҳисоби усулларининг эволюцияси. Харажатларни турли хил белгиларга кўра туркумланиши	6	2	2	2
2.2	Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда технологияни таъсири. Технологик жараёнга қараб ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.	6	2	2	2
2.3	Харажатларни ҳисобга олишни жавобгарлик марказлари бўйича ташкил қилиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш ва уларни тақсимлаш.	6	2	2	2
3	Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляция қилиш	24	8	8	8
3.1	Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари. Ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг аҳамияти.	6	2	2	2
3.2	Калькуляциянинг тамойиллари, объекти ва усуллари. Жараёнли, бўлинмали, буюртмали таннарх ҳисоблаш усуллари. Тўлиқ таннарх ва ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш.	6	2	2	2
3.3	Бевосита харажатларни маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиш. Билвосита харажатларни маҳсулот таннархи таркибида ҳисобга олиш.	6	2	2	2
3.4	Ҳақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоблаш. «Стандарт кост» ва «Директ костинг» усуллари	6	2	2	2
4	Бошқарув қарорларини қабул қилиш	12	4	4	4
4.1	Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш. Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш	6	2	2	2

4.2	Корхона маҳсулоти таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш. Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш	6	2	2	2
5	Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш	12	4	4	4
5.1	Бошқарув ҳисоби тизимида режалаштириш. Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг Бош бюджети.	6	2	2	2
5.2	Хўжалик фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш. Жавобгарлик марказлари ва харажатларнинг келиб чиқиш жойларини назорат қилиш	6	2	2	2
6	Бошқарув ҳисобини ташкил этиш	12	4	4	4
6.1	Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг вариантлари: автоном ва интеграциялашган. Бошқарув ва молиявий ҳисоб счетлар режаларида хўжалик муомалаларини қайд этиш тизимлари.	6	3	3	3
6.2	Саноат корхоналарида интеграциялашган усулни қўллаш. Савдо корхоналарида интеграциялашган усулни қўллашнинг хусусиятлари	6	3	3	3
7	Трансферт баҳони шакллантириш	12	4	4	4
7.1	Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари: бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш	6	2	2	2
7.2	Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш	6	2	2	2
8	Корхонанинг сегментар ҳисоботи	12	4	4	4
8.1	Сегментар ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва уни ташкил этиш қоидалари. Ташқи фойдаланувчилар учун сегментар ҳисоботни тузиш қоидалари. Ички сегментар ҳисоботни тузилиши шартлари ва тамойиллари.	6	2	2	2
8.2	Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳоланишнинг асоси сифатида. Молиявий ва бошқарув ҳисобида бизнес самарадорлигини баҳоланишга ёндошувлар.	6	2	2	2
9	Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари	6	2	2	2
	Жами:	108	36	36	36

2. Маъруза машғулоти мавзулари (36 соат)

1- мавзу. »Бошқарув ҳисоби» фанининг предмети ва методи, унинг назарий асослари. (2 соат)

Бошқарув ҳисоби ва унинг мазмуни. Бошқарув ҳисобининг предмети ва методи. Бошқарув ҳисобининг олдида қўйилган вазифалар. Бошқарув ҳисобини бошқарувчиларни иқтисодий ахборотлар билан таъминлашдаги роли. *Бошқарув ҳисобининг тамойиллари. Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боғлиқлиги.* Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Бошқарув ҳисобини амалга оширувчи бухгалтер-таҳлилчининг функциялари. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатига мос келиши.

Адабиётлар:

(1, 2, 4)

2-мавзу. Харажатлар туркумланиши ва ҳисоби. (6 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар бўйича:

- Харажатлар ҳақида тушунча. Харажатлар ҳисоби усулларининг эволюцияси. *Харажатларни турли хил белгиларга кўра туркумланиши.*

- Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда технологияни таъсири. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш. *Бошқарув ҳисоби счетлар режаси.* Сервис харажатларини тақсимлаш.

- Харажатларни ҳисобга олишни жавобгарлик марказлари бўйича ташкил қилиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш ва уларни тақсимлаш. Маҳсулот таннархини аниқлаш, харажатлар ва захиралар қийматини ҳамда олинган фойдани баҳолаш мақсадида харажатларни туркумлаш чуқур билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 10, 11, 16, 26)

3-мавзу. Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляция қилиш.(8 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- *Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари.* Ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг аҳамияти.

- Калькуляциянинг тамойиллари, объекти ва усуллари. Жараёнли, бўлинмали, буюртмали таннарх ҳисоблаш усуллари. Тўлиқ таннарх ва ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш.

- Бевосита харажатларни маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиш. Билвосита харажатларни маҳсулот таннархи таркибида ҳисобга олиш. *Ҳақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх*

ҳисоблаш. «Стандарт кост» ва «Директ костинг» усуллари бўйича билимга эга бўладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 4, 6, 7, 10, 11, 16, 26)

4-мавзу. Бошқарув қарорларини қабул қилиш. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар бўйича:

- *Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш.* Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш. Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш.

- Корхона маҳсулоти таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш. *Бизнес таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш мукамал билимга эга бўладилар*

Адабиётлар:

(1, 2, 5, 6, 10, 11, 26)

5-мавзу. Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар бўйича:

- *Бошқарув ҳисоби тизимида режалаштириш. Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг Бош бюджети.*

- Хўжалик фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш. Жавобгарлик марказлари ва харажатларнинг келиб чиқиш жойларини назорат қилишда мукамал билимга эга бўладилар .

Адабиётлар:

(1, 2, 6, 7, 9, 10, 11, 16)

6-мавзу. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар :

- *Бошқарув ҳисобини ташкил этишининг вариантлари: автоном ва интеграциялашган.* Бошқарув ва молиявий ҳисоб счетлар режаларида хўжалик муомалаларини қайд этиш тизимлари.-

- Саноат корхоналарида интеграциялашган усулни қўллаш. Савдо корхоналарида интеграциялашган усулни қўллашнинг хусусиятлари хақида билимлар талабаларга етказилади.

Адабиётлар:

(1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 10, 11, 16, 26)

7-мавзу. Трансферт баҳони шакллантириш. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар:

- Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари: бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш,

- Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари. *Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантириш бўйича билим оладилар.*

Адабиётлар:

(1, 2, 6, 7, 9, 10, 11, 26)

8-мавзу. Корхонанинг сегментар ҳисоботи. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагилар бўйича:

- *Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва уни ташкил этиш қоидалари.* Ташки фойдаланувчилар учун сегментар ҳисоботни тузиш қоидалари. Ички сегментар ҳисоботни тузилиши шартлари ва тамойиллари.

- *Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида.* Молиявий ва бошқарув ҳисобида бизнес самарадорлигини баҳолашга ёндошувлар. *Сегментар ҳисобот ахборотларини корхона фаолиятида қўллаш имкониятлари.* Корхонани таркибий тузилиши самарадорлигини таҳлили. Сегментар ҳисобот тузиш босқичлари ва унинг вазифалари билим оладилар.

Адабиётлар:

(1, 2, 10, 11, 16, 26)

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали талабалар қуйидагиларни:

- Бухгалтерия ҳисобининг Республикада ривожланиш йўналишлари: бошқарув ҳисобини қулай ташкил қилиш мақсадида харажатларни корхона бўйича унинг бўлимлари, вужудга келиш марказлари, маъсулият марказлари бўйича гуруҳлаш ва бошқалар.

- *Республикада амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг бошқарув ҳисобини ташкил қилишга таъсирини ўрганадилар*

Адабиётлар:

(1, 2, 10, 11, 16, 26)

Изоҳ: мустақил таълимга тавсия этилган мавзу ёки кичик мавзулар курсив билан ажратилган.

3. Амалий машғулотлар мавзулари (36 соат)

1- мавзу. Бошқарув ҳисобининг назарий асослари. (2 соат)

Бошқарув ҳисоби ва унинг мазмуни. Бошқарув ҳисобининг предмети ва методи.* Бошқарув ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш муаммолари.

Бошқарув ҳисобининг тамойиллари.* Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг ўзаро боғлиқлиги.* Бошқарув ҳисоби маълумотларининг тавсифи ва уларни сақлаш тартиби. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш сиёсатига мос келиши бўйича семинар дарси олиб борилади.

Адабиётлар: (1,2,4)

2-мавзу. Харажатлар туркумланиши ва ҳисоби. (2 соат)

Харажатлар ҳақида тушунча.* Харажатлар ҳисоби усулларининг эволюцияси. Харажатларни турли хил белгиларга кўра туркумлиниши.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда технологияни таъсири.* Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш.

Бошқарув ҳисоби счетлар режаси. Харажатларни ҳисобга олишни тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ташкил қилиш. Харажатларни ҳисобга олишни жавобгарлик марказлари бўйича ташкил қилиш. Маҳсулот таннархини аниқлаш, харажатлар ва захиралар қийматини ҳамда олинган фойдани баҳолаш мақсадида харажатларни туркумлашга оид амалий машғулотлар ўтказилади. *

Адабиётлар: (1,2,3,4,5,6,7,10,11,16,26)

3-мавзу. Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляция қилиш. (8 соат)

Маҳсулот таннархини таркиби ва турлари.* Ишлаб чиқаришни бошқаришда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг аҳамияти.

Калькуляциянинг тамойиллари, объекти ва усуллари. Жараёнли, бўлинмалли, буюртмалли таннарх ҳисоблаш усуллари. Тўлиқ таннарх ва ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш.

Бевосита харажатларни маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиш. Билвосита харажатларни маҳсулот таннархи таркибида ҳисобга олиш. Хақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоблаш. «Стандарт кост» ва «Директ костинг» усуллари*га доир семинар ва амалий дарслар олиб борилади.

Адабиётлар: (1,2,4,6,7,10,11,16,26)

4-мавзу. Бошқарув қарорларини қабул қилиш. (4 соат)

Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш.* Сотиладиган маҳсулот (товарлар) ассортиментини режалаштириш. Баҳони шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш.*

Корхона маҳсулоти таркибини чегараловчи омиллар асосида аниқлаш. Бизнесни таркибини ўзгартириш (реструктуризация) қилиш бўйича қарор қабул қилиш бўйича семинар ва амалий дарслар олиб борилади.

Адабиётлар: (1,2,5,6,10,11,26)

5-мавзу. Бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш. (4 соат)

Бошқарув ҳисоби тизимида режалаштириш.* Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг Бош бюджети.

Хўжалик фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш. Жавобгарлик марказлари ва харажатларнинг келиб чиқиш жойларини назорат қилишга доир амалий дарслар ўтказилади.*

Адабиётлар: (1,2,6,7,9,10,11,16)

6-мавзу. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш.(4 соат)

Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг вариантлари: автоном ва интеграциялашган.* Бошқарув ва молиявий ҳисоб счетлар режаларида хўжалик муомалаларини қайд этиш тизимлари.

Саноат корхоналарида интеграциялашган усулни қўллаш. Савдо корхоналарида интеграциялашган усулни қўллашнинг хусусиятларига доир амалий дарслар олиб борилади.*

Адабиётлар: (1,2,3,4,5,6,7,10,11,16,26)

7-мавзу. Трансферт баҳони шакллантириш. (4 соат)

Трансферт баҳосининг турлари ва шакллантириш тамойиллари: бозор нархи ва харажатлар миқдори бўйича баҳолаш.

Трансферт баҳоларни ўрнатиш услублари.* Саноат, савдо ва банк тизимида трансферт баҳони шакллантиришга доир амалий дарслар ўтказилади.

Адабиётлар: (1,2,6,7,9, 10,11,26)

8-мавзу. Корхонанинг сегментар ҳисоботи. (4 соат)

Сегментар ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва уни ташкил этиш қоидалари.* Ташқи фойдаланувчилар учун сегментар ҳисоботни тузиш қоидалари. Ички сегментар ҳисоботни тузилиши шартлари ва тамойиллари. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида.* Жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг молиявий ва номолиявий мезонлари. Сегментар ҳисобот ахборотларини корхона фаолиятида қўллаш имкониятлари.* Корхонани таркибий тузилиши самарадорлигини таҳлили.

Адабиётлар: (1,2,10,11,16,26)

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари. (2 соат)

Бухгалтерия ҳисобининг Республикамизда ривожланиш йўналишлари: бошқарув ҳисобини қулай ташкил қилиш мақсадида харажатларни корхона бўйича унинг бўлимлари, вужудга келиш марказлари, маъсулият марказлари бўйича гуруҳлаш ва бошқалар.*

Республикамизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг бошқарув ҳисобини ташкил қилишга таъсири. Уларнинг бошқарув ҳисобини ташкил қилишга имкон берадиган моддалари бўйича семинар дарслари ўтказилади.

Адабиётлар: (1,2,10,11,16,26)

Изоҳ: мажбурий мавзулаги машғулотлар юлдузча (*) билан ажратилган.

Курс (лойиҳа) ишларининг намунавий мавзуси ва бажарилишига услубий кўрсатмалар.

Курс (лойиҳа) иши мавзулари:

1. Бошқарув ҳисобининг мазмуни ва ахамияти.
2. Бошқарув ҳисобининг назарий асослари.
3. Харажатлар ва уларнинг туркумланиши.
4. Ишлаб чиқариш захиралари ва уларни туркумлаш.
5. Маҳсулотни сотиш ва у билан боғлиқ харажатлар.
6. Бошқарув назорати ва уни вазифалари.
7. Ички ҳисобот тизими.
8. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг роли.
9. Корхонанинг сегментар ҳисоботини тузиш тартиби ва тамойиллари.
10. Трансферт баҳолар ва бошқарув ҳисобида улардан фойдаланиш.
11. Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.
12. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.
13. Бошқарув ҳисобининг тамойиллари.
14. Бошқарув ҳисоби, унинг роли ва вазифалари.
15. Ўзбекистон Республикасида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига ўтиш муаммолари.
16. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
17. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.
18. Тўғри ва эгри харажатлар ҳисоби.
19. Давр харажатлари ҳисоби.
20. Ишлаб чиқариш харажатларини норматив усулда ҳисобга олиш ва таннарх ҳисоблаш.
21. ғрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил қилиш.
22. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби.
23. Маҳсулотларни сотиш ҳисоби.
24. Тўғри солиқлар юзасидан ҳисоблашишлар ҳисоби.
25. Эгри солиқлар бўйича ҳисоблашишлар.
26. «Директ-Костинг» ва «Стандарт-Кост» таннарх аниқлаш тизимларининг хусусиятлари.
27. Бошқарув ҳисобида қарор қабул қилиш жараёни.
28. Корхонанинг зарарсизлик нуқтасини таҳлил қилиш.
29. Бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштириш.
30. Бошқарув ҳисобида таҳлил ва назорат.
31. Капитал қўйилмалар бўйича қарорларни иқтисодий асослаш.
32. Жавобгарлик марказлари бўйича бюджетлаштириш ва назоратни ташкил этиш.

4. Тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўрғазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси, Миллий Бухгалтерлар ва Аудиторлар Ассоциацияси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ва Тошкент Молия Институтини тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедия иловалардан фойдаланиш тавси этилади.

Бошқарув ҳисоби фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида бошқарув ҳисоби бўйича қўлланиладиган турли ҳил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади:

1. Харажатларни туркумлаш;
2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатлар;
3. Калькуляция усуллари;
4. Тўғри ва эгри харажатлар;
5. “Директ-костинг” ва “Стандарт-кост” усулларида харажатларни ҳисобга олиш тартиби;
6. Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлари. Давр харажатлари;
7. Дискрет харажатларни ўрганиши мумкин.

Талабалар бошқарув ҳисоби фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталардан;

<http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)

<http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)

<http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)

<http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)

<http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)

sismoilov.rambler.ru фойдаланиши мумкин.

Шунингдек республикадаги чоп этилган газета ва журналлардан мутахассислигига тегишли материалларни олади.

5. Ўзлаштиришнинг назорати.

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 108 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 36 соат маъруза, 36 соат амалий ҳамда 36 соат мустақил таълим дарсларидан иборат. Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 га тенг. Ҳама иш вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар рейтинг тизими асосида баҳоланади. Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 85 %,

якуний баҳолашга эса 15 % миқдорда белгиланади. «Бошқарув ҳисоби» фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 43.0 балл, оралиқ баҳолашга 42.0 балл ва якуний баҳолашга эса 15 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади;

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
 - амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
 - фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
 - долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
 - илмий тезислар тайёрлаш;
 - мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
 - фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаш.
- Таянч тушунчаларига асосланган «ғзма иш» усулини ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида «ғзма иш» усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади.

6. Адабиётлар.

1. Асосий адабиётлар.

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, 1996 йил.
2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом. Тошкент, 1999 йил, 54-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 7 феврал -сон буйруғи (Йиллик ва ярим йиллик ҳисоботи тўлдириш тўғрисида).
4. Бобожонов О ва бошқ. Молиявий ҳисоб. Тошкент, «Молия», 2002 йил.
5. Ризакулов А.А. Узоқ муддатли активлар ҳисоби. Тошкент, «Фан», 1998 йил.
6. Ризакулов А.А., Иброҳимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. I-III том. ТМИ ва ИУТ, 1994 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2003-2004 йиллар.
8. Друри К. Введение в управленческий и производственный учёт – М.: Аудит.1994.
9. Карпова Т.П. Основы управленческого учёта: Учебное пособие –М. ИНФРА –М.1997.
10. Мюллендорф Р., Корренбауэр М., Производственный учет. М ЗАО «ФБК» пресс. 1996.
11. Палий В.Ф. Управленческий учет – М.:Союз. 1997.
12. Хонргрен Ч.Т. Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект – М.: Финансы и статистика. 1995.

2. Қўшимча адабиёт.

13. «Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, 1992 йил.
14. «Корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент, 1992 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент, 2005 йил.
- Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. М.: О.О.О Аскери, 1996 г.
16. Николаева С.А. Особенности учета затрат в условиях рынка: система «директ костинг». – М.: Финансы и статистика. 1993.
17. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. М. Финансы и статистика. 1993.
18. Энтони Р. Рис Д. Учет ситуации и примеры. – М.Финансы и статистика. 1993.
19. Солиқ ва Божхона хабарлари газетаси, 2001-2002 йиллар сони.
20. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали, 2000-2002 йиллар.
21. Ҳуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2000.-352.
22. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
23. Панков Д. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах. Мн: «Экоперспектива», 1998-238с.
24. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: М.: УРСС, 2001 -264с.
25. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности, ГУП ИПК «Ульяновский Дом печати» 2000 г.
26. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебник для Вузов. 2-е изд., - М.: ИКФ Омега-Л; Высш. шк., 2002. - 528 стр.

**«Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг
хусусиятлари»
фанидан ишчи ўқув дастури**

**Олий таълимнинг 340000-«Бизнес ва бошқарув» ҳамда 140000
«Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани» билим ва таълим
соҳалари:**

5140900-«Касб таълими»

(бакалавриат таълим йўналишлари бўйича)

5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

бакалавриат таълим йўналиши учун

«Бошқа тармоқларда бухгалтерия
ҳисобининг хусусиятлари»
фанидан ишчи ўқув дастури

Ушбу ишчи ўқув дастури 340000-“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалаврият йўналиши учун “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари” фанидан мукамал билим олишини таъминлайди. Ўқув режасига асосан, дастурда белгиланган мавзулар 5340900-“Бухгалтерия ҳисоби ” бакалаврият йўналиши учун 3 ва 4 курсда ўтилади. Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 343-сонли «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 199-сонли «Олий таълимнинг бакалаврият босқичини янги таҳрирдаги намунавий ўқув режаси билан таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосий қоидаларига мувофиқ институтнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланишга тавси этилади.
(кафедра йиғилишининг 29 август 2005 йил 1-сонли кафедра баённомаси)

**«Бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси мудири Б.К. Хамдамов**

Мазкур ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган.
(мазкур кенгашнинг 2005 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган)

Ректор А.В. Ваҳобов

Тузувчилар: и.ф.н., доц. Хамдамов Б. К
и.ф.н., к. ўқ. Қўзиёв И.Н.
кат. ўқт. Содиков М.С.

Таризчилар: и.ф.д.,проф. Жўраев Н.Ю
и.ф.н.,проф..Маматов З.Т

Тошкент Молия Институти, 2006

1. «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот соатлари ҳажмининг тақсимоти

№	ФАН МАВЗУЛАРИНИНГ НОМИ	Жами соатлар	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1	Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари. Капитал қўйилмалар (инвестициялар)ни пудратчи ташкилотлардаги ҳисобининг хусусиятлари	12	4	4	4
1.1	Капитал қўйилмалар (инвестициялар) тўғрисида тушунча. Капитал қўйилма (инвестициялар)лар ҳисоби олдида турган вазифалар.	6	2	2	2
1.2	Қурилишларнинг ташкилий шакллари ва уларнинг капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил қилишга таъсири. Капитал қўйилмаларни туркумлаш	6	2	2	2
2	Қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари	18	6	6	6
2.1	Қурилиш материалларини туркумлаш ва уларни баҳолаш. Қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, конструкциялар ва бошқаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг хусусиятлари.	6	2	2	2
2.2	Гайёрлов-омбор харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби.	6	2	2	2
2.3	Материалларнинг омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш(оператив-сальдо ва бухгалтерлик услублари). Очиқ жойда сақланаётган қурилиш материалларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари.	6	2	2	2
3	Хўжалик ва пудрат усулида бажарилган капитал қўйилмаларнинг буюртмачидаги ҳисоби	18	6	6	6
3.1	Хўжалик ва пудрат усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисобини ташкил этиш. Ўрнатиладиган ва монтаж қилиш талаб этилмайдиган ускуналарни ҳисобга олиш.	6	2	2	2
3.2	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби.Хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисоби.	6	2	2	2
3.3	Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилишнинг синтетик ва аналитик ҳисобини	6	2	2	2

	ташқил қилиш.				
4	Қурилишда пул маблағлари ва ҳисоб китоблар ҳисоби	18	6	6	6
4.1	Қурилиш ташкилотларида пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари.	6	2	2	2
4.2	Нақд пул касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Банк муассасалардаги счёتلарни юритиш ҳисоби.	6	2	2	2
4.3	Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар счёти, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар счёти.	6	2	2	2
5	Қурилиш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва таннархга қўйиш тартиби	18	6	6	6
5.1	Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш	6	2	2	2
5.2	Давр харажатлари ва келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш.	6	2	2	2
5.3	Қурилиш ишлаб чиқаришда харажатларнинг ҳисобини ташкил этиш, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш.	6	2	2	2
6	Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби	18	6	6	6
6.1	Бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисобга олиш.	6	2	2	2
6.2	Тугалланган қурилиш объектларини сотиш бўйича буюртмачилар билан ҳисоблашиш.	6	2	2	2
6.3	Пудратчи ташкилотларда ҳисобот тузиш ва топшириш. Йиғма ҳисоботлар.	6	2	2	2
7	Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари	8	4	2	2
7.1	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.	6	2	2	2
7.2	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳисобини ташкил этишга таъсири.	2	2	-	-
8	Қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш.	30	10	10	10
8.1	Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг вазифалари.	6	2	2	2
8.2	Ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш.	6	2	2	2
8.3	Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш..	6	2	2	2
8.4	Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва чорвачилик маҳсулотлари	6	2	2	2

	таннархини ҳисоблаш				
8.5	Ғрамчи ва саноат ишлаб чиқаришлари харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш ва хизматлар)лар таннархини аниқлаш.	6	2	2	2
9	Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол етказиб берувчи, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб китоблар ҳисоби	30	10	10	10
9.1	Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб китобларни ташкил қилиш. Товар материали ва бошқа активлар бўйича тўловлар ҳисоби..	6	2	2	2
9.2	Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар. Олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар	6	2	2	2
9.3	Давлат бюджети ташкилотлари билан ҳисоблашишлар..	6	2	2	2
9.4	Ҳисобдор шахслар билан, таъсисчилар билан, турли хил дебитор ва кредиторлар, шўъба корхоналари, юқори ташкилотлар билан ҳисоблашишларни юритиш тартиби	6	2	2	2
9.5	Бюджетдан ташқари фондлар бўйича ҳисоблашишлар.	6	2	2	2
10	Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришнинг ўзиги хос хусусиятлари	18	6	6	6
10.1	Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳисобга олиш.	6	2	2	2
10.2	Фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш. Дехқон хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш.	6	2	2	2
10.3	Пайчилик асосида ташкил этилган хўжаликларда харажатларни ҳисобга олиш.	6	2	2	2
11	Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва корхона ҳисоботини тузиш	18	6	6	6
11.1	Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш ва сотиш ҳисобининг хусусиятлари. Асосий подани ташкил қилиш ва ҳайвонларни ҳисобдан чиқаришини ҳисобга олиш.	6	2	2	2
11.2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарида фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби. Молия, солиқ ва суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашишлар.	6	2	2	2
11.3	Йиғма ҳисоботлар. Молиявий ҳисоботлар ва унинг таркиби. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботни тўлдириш тўғрисидаги ҳисоб сиёсати.	6	2	2	2
12	Савдо-тижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари	18	6	6	6
12.1	Тижорат ташкилотларида бухгалтерия	6	2	2	2

	ҳисобининг хусусиятлари ва уларнинг олдига қўйган вазифалари.				
12.2	Улгуржи савдо корхоналарида товарларни ҳисобга олиш. Омборларда, базаларда ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олиш. Товарларни истеъмолчиларга ва воситачиларга сотиш муомалалари.	6	2	2	2
12.3	Савдо устамаси ва савдо қўшимчасини ҳисобга олиш тартиби. Муомалаларда транзит усулида товарлар айланишини ҳисобга олиш. Чакана савдода сотиш муомалаларининг шакллари.	6	2	2	2
13	Муомала харажатларини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш	18	6	6	6
13.1	Савдо ташкилотларида муомала харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таркиби. Меҳнатни ташкил қилишнинг шакллари ва унга ҳақ тўлаш..	6	2	2	2
13.2	Савдо ташкилотларида бюджет ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Савдо корхоналарида ҳисобот тузиш.	6	2	2	2
13.3	Ҳисоботлар таркиби: бухгалтерия баланси ва унга ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар, изоҳлар	6	2	2	2
14	Транспорт ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари	12	4	4	4
14.1	Транспорт ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган вазифалари. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг таннархини ҳисоблаш.	6	2	2	2
14.2	Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби. Юкларни мамлакат ичида ва мамлакатлараро ташилганда сарф қилинадиган харажатлар ва бу борадаги ҳисоблашишларнинг турлари.	6	2	2	2
15	Транспорт ташкилотларида капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби	18	6	6	6
15.1	Капитал, унинг таркиби (устав, қўшилган, резерв). Капиталнинг транспорт корхоналарида тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари..	6	2	2	2
15.2	Капитални ташкил қилиш манбалари, устав капиталининг манбаи, қўшилган капиталнинг манбаи, резерв капиталнинг манбаи. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби.	6	2	2	2
15.3	Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тарти	6	2	2	2
	Жами:	276	92	92	92

2. Маъруза машғулоти мавзулари. (92 соат)

1-мавзу. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари. Капитал қўйилмалар (инвестициялар)ни пудратчи ташкилотлардаги ҳисобининг хусусиятлари. (4 соат)

Ушбу мавзу орқали бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари фанининг предмети, объекти ва вазифалари тўғрисида фикр юритилади. Капитал қўйилмалар (инвестициялар) тўғрисида тушунча. Капитал қўйилма (инвестициялар)лар ҳисоби олдида турган вазифалар. Қурилишларнинг ташкилий шакллари ва уларнинг капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил қилишга таъсири. Капитал қўйилмаларни туркумлаш: капитал ишларнинг турлари бўйича, харажатларнинг таркиби ва капитал қўйилмаларнинг йўналишлари бўйича. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида капитал (инвестицияларни) қўйилмаларни молиялаштириш манбалари.

Адабиётлар: (1,2,7,11)

2-мавзу. Қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари (6 соат)

Қурилиш материалларини туркумлаш ва уларни баҳолаш. Қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, конструкциялар ва бошқаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг хусусиятлари. Тайёрлов - омбор харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. *Материалларнинг омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш (оператив-сальдо ва бухгалтерлик услублари)*. Очиқ жойда сақланаётган қурилиш материалларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари.

Адабиётлар: (1,5,7,9)

3-мавзу. Хўжалик ва пудрат усулларида бажарилган капитал қўйилмаларнинг буюртмачидаги ҳисоби (6 соат)

Хўжалик ва пудрат усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисобини ташкил этиш. *Ўрнатиладиган ва монтаж қилиш талаб этилмайдиган ускуналарни ҳисобга олиш. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби.* Хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисоби. Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилишнинг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил қилиш. Тугалланган қурилишларни ҳисобга олиш ва уларнинг инвентар қийматини аниқлаш.

Адабиётлар: (1,3,6,11)

4-мавзу. Қурилишда пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби (6 соат)

Қурилиш ташкилотларида пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари. Нақд пул касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. *Банк муассасалардаги ҳисобларни юритиш*

ҳисоби. Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар счёти, қисқа муддатли молиявий кўйилмалар счёти.

Адабиётлар: (1,5,6,11)

5-мавзу. Қурилиш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва таннархга кўшиш тартиби (6 соат)

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш. Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш. Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш. Қурилишда асосий ва кўшимча иш ҳақини ҳисобга олишнинг хусусиятлари ва уни тақсимлаш тартиби. Давр харажатлари ва келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш. Қурилиш ишлаб чиқаришида харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш, тугалланган қурилиш-монтаж ишларини таннархини аниқлаш.

Адабиётлар: (1,4,5,8)

6-мавзу. Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби (6 соат)

Бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисобга олиш. Тугалланган қурилиш объектларини сотиш бўйича буюртмачилар билан ҳисоблашиш. Пудратчи ташкилотларда ҳисобот тузиш ва топшириш. Йиғма ҳисоботлар.

Адабиётлар: (1,5,6,8)

7-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари (4 соат)

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни кондиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳисобини ташкил этишига таъсири.

Адабиётлар: (2,8,9,11)

8-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш (10 соат)

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг вазифалари. Ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш. ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришлари харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш ва хизматлар)лар таннархини аниқлаш.

Адабиётлар: (2,4,6,8,9)

9-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол етказиб берувчи, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби (10 соат)

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб китобларни ташкил қилиш. Товар материали ва бошқа активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар. Олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар. Давлат бюджети ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Ҳисобдор шахслар билан, таъсисчилар билан, турли хил дебитор ва кредиторлар, шўъба корхоналари, юқори ташкилотлар билан ҳисоблашишларни юритиш тартиби. Бюджетдан ташқари фондлар бўйича ҳисоблашишлар.

Адабиётлар: (1,3,6,11)

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари (6 соат)

Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳисобга олиш. Фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш. Дехқон хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш. Пайчилик асосида ташкил этилган хўжаликларда харажатларни ҳисобга олиш.

Адабиётлар: (1,2,5,9)

11-мавзу. Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва корхона ҳисоботини тузиш (6 соат)

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш ҳисобининг хусусиятлари. Асосий подани ташкил қилиш ва ҳайвонларни ҳисобдан чиқаришини ҳисобга олиш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби. Молия, солиқ ва суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Йиғма ҳисоботлар. Молиявий ҳисоботлар ва унинг таркиби. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботни тўлдириш тўғрисидаги ҳисоб сиёсати.

Адабиётлар: (1,4,6,11)

12-мавзу. Савдо-тижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари (6 соат)

Бозор иқтисодиётига ўтишда тижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ва уларнинг олдида қўйган вазифалари. *Улгуржи савдо корхоналарида товарларни ҳисобга олиш. Омборларда, базаларда ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олиш. Товарларни истеъмолчиларга ва воситачиларга сотиш муомалалари. Савдо устамаси ва савдо қўшимчасини ҳисобга олиш тартиби. Муомалаларда транзит усулида товарлар айланишини ҳисобга олиш. Чакана савдода сотиш муомалаларининг шакллари. Синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил қилиш. Касса муомалаларининг хусусиятлари.*

Адабиётлар: (1,5,7,10)

13-мавзу. Муомала харажатларини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш (6 соат)

Савдо ташкилотларида муомала харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таркиби. Меҳнатни ташкил қилишнинг шакллари ва унга ҳақ тўлаш. Бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини автоматлаштириш. *Муомала харажатларини сотилган ва омборда қолган товарларнинг қийматига қўйиш тартиби.* Савдо ташкилотларида бюджет ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Савдо корхоналарида ҳисобот тузиш. *Ҳисоботлар таркиби: бухгалтерия баланси, молиявий натижаларни шакллантириш, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва ҳисоботга иловалар, тушинтиришлар, изоҳлар.*

Адабиётлар: (2,4,7,8)

14-мавзу. Транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари (4 соат)

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабат билан транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган вазифалари. Асосий воситалар ҳисоби, ҳаракатдаги таркибни ҳисобга олишнинг хусусиятлари. Асосий воситалар амортизацияси ҳисоби.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, юк, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаш. Лизинг муомалалари ҳисобининг хусусиятлари. Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби. Юкларни мамлакат ичида ва мамлакатлараро ташилганда сарф қилинадиган харажатлар ва бу борадаги ҳисоблашишларнинг турлари. *Транспорт ташкилотларида фондлар ва молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.*

Адабиётлар: (1,4,6,11)

15-мавзу. Транспорт ташкилотларида капитал фондлар, молиявий натижалар ҳисоби (6 соат)

Капитал, унинг таркиби (устав, қўшилган, резерв). Капиталнинг транспорт корхоналарида тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари. Капитални ташкил қилиш манбалари, устав капиталининг манбаи, қўшилган капиталнинг манбаи, резерв капиталнинг манбаи. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби; асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар, умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижалар. Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ҳисоби. Соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тартиби.

Адабиётлар: (2,4,6,8)

Изоҳ: мустақил таълимга тавсия этилган мавзулар курсив билан ажратилади.

3. Амалий машғулот мавзулари (92 соат).

1-мавзу. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг предмети ва вазифалари. Капитал қўйилмалар (инвестициялар)ни пудратчи ташкилотлардаги ҳисобининг хусусиятлари (4 соат)

Ушбу мавзу орқали бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари фанининг предмети, объекти ва вазифалари тўғрисида фикр юритилади. Капитал қўйилмалар (инвестициялар) тўғрисида тушунча. Капитал қўйилма(инвестициялар)лар ҳисоби олдида турган вазифалар*. Қурилишларнинг ташкилий шакллари ва уларнинг капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил қилишга таъсири. Капитал қўйилмаларни туркумлаш.: капитал ишларнинг турлари бўйича, харажатларнинг таркиби ва капитал қўйилмаларнинг йўналишлари бўйича*. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида капитал (инвестицияларни) қўйилмаларни молиялаштириш манбаалари бўйичпа масалалар ечилади.

Адабиётлар: (1,2,7,11)

2-мавзу. Қурилиш материалларини ҳисобга олиш хусусиятлари (6 соат)

Қурилиш материалларини туркумлаш ва уларни баҳолаш*. Қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, конструкциялар ва бошқаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг хусусиятлари*. Тайёрлов - омбор харажатларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби. Материалларнинг омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш (оператив-сальдо ва бухгалтерлик услублари). Очiq жойда сақланаётган қурилиш материалларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари бўйича семинарлар ва масалалар ечилади.

Адабиётлар: (1,5,7,9)

3-мавзу. Хўжалик ва пудрат усулларида бажарилган капитал қўйилмаларнинг буюртмачидаги ҳисоби (6 соат)

Хўжалик ва пудрат усулида капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш*. Ўрнатиладиган ва монтаж қилиш талаб этилмайдиган ускуналарни ҳисобга олиш. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби. Хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларнинг ҳисоби*. Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилишнинг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил қилиш. Тугалланган қурилишларни ҳисобга олиш ва уларнинг инвентар қийматини аниқлаш бўйича масалалар ечилади.

Адабиётлар: (1,3,6,11)

4-мавзу. Қурилишда пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби (6 соат)

Қурилиш ташкилотларида пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари. Нақд пул касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби*. Банк муассасалардаги счетларни юритиш ҳисоби. Пул эквиваленти, қўлдаги пуллар счёти, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар счёти.

Адабиётлар: (1,5,6,11)

5-мавзу. Қурилиш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва таннархга қўшиш тартиби (6 соат)

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш*. Тугалланмаган ишлаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш. Ишлаб чиқаришдаги бракни ҳисобга олиш. Қурилишда асосий ва қўшимча иш ҳақини ҳисобга олишнинг хусусиятлари ва уни тақсимлаш тартиби. Давр харажатлар ва келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш*. Қурилиш ишлаб чиқаришда харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш, тугалланмаган ишдаб чиқаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш, тугалланган қурилиш-монтаж ишларини таннархини аниқлаш бўйича масалалар ечилади.

Адабиётлар: (1,4,5,8)

6-мавзу. Қурилиш ташкилотларида бажарилган ишларни ҳисобга олиш. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби (6 соат)

Бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш-монтаж ишларини ҳисобга олиш*. Тугалланган қурилиш объектларини сотиш бўйича буюртмачилар билан ҳисоблашиш. Пудратчи ташкилотларда ҳисобот тузиш ва топшириш*. Йиғма ҳисоботлар бўйича ҳисобот шакллари тўлғазилади.

Адабиётлар: (1,5,6,8)

7-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари (4 соат)

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари*. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳисобини ташкил этишга таъсири ўрганилиб семинар дарслари ўтказилади.

Адабиётлар: (2,8,9,11)

8-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш (10 соат)

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ўсимликчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш*. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш*. ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришлари харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот(иш ва хизматлар)лар таннархини аниқлаш бўйича масалалар ечилади.

Адабиётлар: (2,4,6,8,9)

9-мавзу. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида мол етказиб берувчи, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби (10 соат)

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб китобларни ташкил қилиш. Товар материали ва бошқа активлар бўйича тўловлар ҳисоби. Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар. Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар. Олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар. Давлат бюджети ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Ҳисобдор шахслар билан, таъсисчилар билан, турли хил дебитор ва кредиторлар, шўъба корхоналари, юқори ташкилотлар билан ҳисоблашишларни юритиш тартиби. Бюджетдан ташқари фондлар бўйича ҳисоблашишлар. Адабиётлар: (1,3,6,11)

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари (6 соат)

Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини ҳисобга олиш*. Фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш. Дехқон хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш бўйича семинар дарслари ўтказилади.

Адабиётлар: (1,3,6,11)

11-мавзу. Тайёр маҳсулотлар ва сотишни ҳисобга олиш. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва корхона ҳисоботини тузиш (6 соат)

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, саралаш, сотишга тайёрлаш ва сотиш ҳисобининг хусусиятлари*. Асосий подани ташкил қилиш ва ҳайвонларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби. Молия, солиқ ва суғурта ташкилотлари билан ҳисоблашишлар. Ўйғма ҳисоботлар. Молиявий ҳисоботлар ва унинг таркиби. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби бўйича аниқ хўжалик мисолида ҳисоботлар тўлдирилади.

Адабиётлар: (1,2,5,9)

12-мавзу. Савдо-тижорат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари (6 соат)

Бозор иқтисодиётига ўтишда тижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари ва уларнинг олдига қўйган вазифалари*. Улгуржи савдо корхоналарида товарларни ҳисобга олиш. Омборларда ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олиш*. Товарларни истеъмолчиларга ва воситачиларга сотиш муомалалари. Савдо устамаси ва савдо қўшимчасини ҳисобга олиш тартиби. Муомалаларда транзит усулида товарлар айланишини ҳисобга олиш. Чакана савдода сотиш муомалаларининг шакллари. Синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил қилиш. Касса муомалаларининг хусусиятлари бўйича масалалар ечилади.

Адабиётлар: (1,4,6,11)

13-мавзу. Муомала харажатларини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш (6 соат)

Савдо ташкилотларида муомала харажатларини ҳисобга олиш, уларнинг таркиби*. Меҳнатни ташкил қилишнинг шакллари ва унга ҳақ тўлаш. Бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнларини автоматлаштириш. Муомала харажатларини сотилган ва омборда қолган товарларнинг қийматига қўшиш тартиби*. Савдо ташкилотларида бюджет ташкилотлари билан ҳисоблашишларнинг ўзига хос хусусиятлари. Савдо корхоналарида ҳисобот тузиш. Ҳисоботлар таркиби: бухгалтерия баланси, молиявий натижаларни шакллантириш, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва ҳисоботга иловалар, тушунтиришлар, изоҳлар. Хўжалик мисолида ҳисоботлар тўлдирилади.

Адабиётлар: (1,5,7,10)

14-мавзу. Транспорт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари (4 соат)

